
Маҳалла ёшлари “Ҳоким кубоги” мусобақасида беллашмоқдалар

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон тумани маҳаллаларидаги ёшлар ўртасида спортнинг мини футбол ва волейбол турлари бўйича туман ҳокими кубоги мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Худудлардаги спорт майдонларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган маҳалла йигитлари мини футбол бўйича, айти шу ёшдаги хотин-қизлардан иборат жамоалар эса волейбол бўйича секторлар кесимида ўзаро беллашмоқдалар.

Бугун Қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинидаги сунъий қопламали майдонда 1-сектор худудидаги “Кичик Оқмачит”-“Ислон”, “Бегобод”-“Зиё Нурсух” ва “Пасткиқўриқ”-“Оқмачит” маҳаллалари ёшларидан иборат жамоаларнинг ўйинлари бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва мурасасиз кечган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

"Кичик Оқмачит" - "Ислон" 9:0

"Бегобод" - "Зиё Нурсух" 5:6

"Пасткиқўриқ" - "Оқмачит" 0:0 (пенальтилар бўйича - 2:1)

Маҳаллалардаги ёшлар иштирокида “Ҳоким кубоги” баҳслари давом этмоқда.

2023-02-28 20:56:32